

**QO‘QON DAVLAT
PEDAGOGIKA INSTITUTI
ILMIY XABARLARI
(2025-yil 3-soni)**



**FILOLOGIYA
PHILOLOGY**

**ИБН АРАБИЙ “ВАХДАТУЛ ВУЖУД” (“БОРЛИҚНИНГ ЯГОНАЛИГИ”)
ТАЪЛИМОТИ АСОСЧИСИ**

Болтаев Абдурахим Амонович
Хоразм Маъмун университети
профессори, ф.ф.д (DSc)
boltayev262673838@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақолада ўрта асрларнинг буюк мутасаввиғи, акбария тариқати асосчиси Муҳьиддин ибн Арабийнинг борлиқ, уни англаш ваҳдатул вужуд тўғрисидаги концепцияси тадқиқ қилинган. Унинг бу тўғрида ёзган “Рисолаи вужудия” (Вужуд тўғрисида рисола) асари илк бор ўзбек тилига таржима қилиниб, ўқувчиларга тақдим қилинмоқда

Калит сўзлар: фалсафа, инсон, жамият, борлиқ, таълимот, тариқат, иймон, ваҳдат, ваҳдоният, фардоният, зоҳир, ботин, илм, ақл, фаҳм.

Тасаввуф назариясини ривожлантиришда ўзига хос ўринга эга мутасаввиғ ва сўфийлардан бири бу шубҳасиз, Муҳьиддин ибн Арабий (1165-1240)дир.

У ўз давригача муаммоли бўлган диний-тасаввуфий масалаларнинг барчасига жавоб қайтарди. Саккиз юзга яқин асарлар ёзди ва бизгача бу асарларнинг беш юздан ортиғи етиб келди. Унинг тасаввуф ва фалсафадаги энг катта тушунчалардан бири бўлган борлиқ тўғрисидаги назарияси бугунги кунгача инсоният назаридан тушмасдан доимий баҳс-мунозаралар ва илмий тадқиқотлар обьекти бўлиб келмоқда.

Ибн Арабий ваҳдатул-вужуд фалсафий назариясини ўзининг хос услуби асосида изоҳлайди. Унинг борлиққа оид маҳсус асарлари мавжуд.

Ибн Арабийнинг борлиққа оид асарларининг таснифи қўрсатадики, у борлиққа умумий таъриф бериш билан бирга унинг кўринишлари бўлган табиат, инсон, жамият ва маънавий борлиқни ҳам таҳлил этган.

Ибн Арабийнинг борлиқнинг умумий масалаларини ёритган, бу категорияни яхлит, тизимли ўрганган ва шу масалага оид қарашларини энг мукаммал тасвиrlаган концептуал асаларидан бири «Рисолаи вужудия» (“Вужуд хақида рисола”) дир.

و خطابنا مع من له عزيمة و همة في طلب العرفان وفي طلب معرفة النفس لمعرفة الله تعالى
Мутасаввиғ рисолани لمعرفه النفس لمعرفة الله تعالى
яъни, “Бизнинг сўзларимиз ирфон талабида азм ва ҳимматга эга кишилар ва ўзликни англаш талаби борлар, қалбига Аллоҳ таъоло

васлига етиш иштиёқи ва талабининг суратини солгандар учундир”⁴⁹⁰, деган ирфоний фикр билан бошлайди. Бундан келиб чиқадики, инсон аввало ўзини англаша ёки билса шунда моҳиятни англайди.

Ибн Арабий рисола ва моҳиятни англашган инсонларни қуидагича тушунтиради:

فالجواب هذه المقامات مع من لا يري سوي الله شيئاً و من يري شيئاً سوي الله فليس لنا معه جواب و لا سؤال فإنه لا يري غير ما يري

“Жавоб айтки, “Бу сұхбатимиз Аллоҳдан бошқа нарсани күрмәётгандар биландир. Аллоҳдан бошқаны күраётгаларға бизнинг саволимиз ҳам жавобимиз ҳам йўқ. Чунки ундейлар кўринганинига кўрарлар”⁴⁹¹.

Демак, мутасаввиф рисолани ҳол илмига ўтганлар, моҳиятни англашганлар учун ёзилганлигини айтади. Ибн Арабий бу рисоласини омма учун эмас, балки хослар учун, янада тўғрироғи ўз таълимоти тарафдорлари ва издошлари учун ёзган. Бироқ асар фалсафа ва тасаввуф илмига қизиқувчилар учун муҳим манба бўлиб хизмат қиласди.

Ибн Арабий рисолани анъанавий тарзда Аллоҳга ҳамд ва пайғамбарга айтгандан сўнг, асарни ёзишдан мақсад пайғамбар алайҳиссаломнинг “Ким ўзини англаса, Роббисини англайди” деган ҳадисининг мазмун-моҳиятини очиш эканлиги баён қиласди. Мутасаввиф Яратувчининг яккалигига ишора қилувчи зотий сифатлари билан Унга ҳамд айтиб, битта мазмунни ифода этувчи “ваҳдоният”, “фардоният” каби маъноси яқин сўзларни алоҳида қўллаб, Аллоҳнинг зотий сифатларини очиб беришга ҳаракат қиласди:

الحمد لله الذي لم يكن قبل وحدانيته قبل إلا و القل هو و لم يكن بعد فردا نيته بعد إلا البعد هو

Яъни, “Ваҳдониятидан олдин Ўзидан ўзга ҳеч бир олдинлик бўлмаган ва фардониятидан кейин Ўзидан ўзга ҳеч бир кейинлик бўлмаган Аллоҳга ҳамлар бўлсин”⁴⁹².

Ибн Арабий фикрича, У ваҳдониятсиз ҳам Воҳиддир, фардониятсиз ҳам Фарддир. У исмдан ҳам исмлангандан ҳам таркиб топмагандир. У аввалиятсиз ҳам Аввал, охириятсиз ҳам Охирдир. У зоҳириятсиз ҳам Зоҳирдир, ботиниятсиз ҳам Ботиндир, яъни, У “Аввал” ҳарфларининг вужуди, У “Охир” ҳарфларининг вужуди, У “Ботин” ҳарфларининг вужуди, У “Зоҳир” ҳарфларининг вужуди. Бу ҳарфлар Унинг вужудига айланмаса ҳам Унинг вужуди бу ҳарфларга айланса ҳам Ундан ўзга Аввал ҳам Охир ҳам Зоҳир ҳам Ботин ҳам йўқдир.”⁴⁹³

Тафрид араб тилида “ёлғизлаш” деган маънени англашиб, тасаввуфда Аллоҳ тавҳидидаги олий даражаси. Бу сўз “фард” (“ёлғиз”, “ягона”) ўзагидан олинган. Ушбу тушунчанинг асоси қуидаги ҳадис саналади: “Расулуллоҳ (а.с.) дедилар: “Муфарридлар ўзиб кетишиди”. “Муфарридлар кимлар, эй Аллоҳнинг Расули?” дейишиди. У зот: “Аллоҳни кўп зикр қилувчи эркаклар ва аёллар», дедилар⁴⁹⁴. Бошқа ривоятларда бундай

⁴⁹⁰ الرسالة الوجودية. محي الدين محمد بن علي بن محمد ابن عربى. بيروت: دار الكتب العلمية. 2004. ص-43

⁴⁹¹ الرسالة الوجودية. محي الدين محمد بن علي بن محمد ابن عربى. بيروت: دار الكتب العلمية. 2004. ص-44

⁴⁹² Ўша жойда

⁴⁹³ Ўша жойда

⁴⁹⁴ Саҳиҳи Муслім. 8-жилд, 63-бет. 2676-ҳадис.

дейилади: “Улар Аллоҳнинг зикрига қаттиқ киришганлар бўлиб, зикр уларнинг оғирлик юкларини кетказган ва улар қиёмат кунида енгил бўлиб келишади”⁴⁹⁵. Ақида китобларида вахдоният ва фардоният маънодош сўзлар сифатида қўлланилади. Вахдоният зот эътиборидан, фардоният эса сифат эътиборидан ишлатилади. Аллоҳ таоло зотида муваҳҳад яъни, ёлғиздир, сифатида эса мунфарид яъни, ягонадир.

Ибн Арабий борлиқда Аллоҳдан бошқа нарсалар мавжуд эмаслигини ҳар қандай борлиқ ундан эканлигини, шунинг билан бирга унинг ўзи ҳеч бир нарсада бўлмаслигини, уни фақат унинг ўзи англашлигини айтади:

لَا هُوَ فِي شَيْءٍ فِيهِ لَا دَخْلًا وَ لَا خَارْجًا يَنْبُغِي أَنْ تَعْرِفَهُ بِهَذِهِ الصَّفَةِ لَا بِالْعِلْمِ وَ لَا بِالْعُقْلِ وَ لَا بِالْفَهْمِ وَ لَا بِالْوَهْمِ وَ
بِالْحَسْنِ وَ لَا بِالْعَيْنِ الظَّاهِرَةِ وَ بِالْعَيْنِ الْبَاطِنَةِ وَ لَا بِالْإِدْرَاكِ لَا يَرَاهُ إِلَّا هُوَ وَ لَا يَدْرَكُهُ إِلَّا هُوَ وَ لَا يَعْلَمُهُ إِلَّا هُوَ وَ يَعْرُفُ نَفْسَهُ
بِنَفْسِهِ لَا يَرَاهُ أَحَدٌ غَيْرُهُ وَ لَا يَدْرَكُهُ أَحَدٌ غَيْرُهُ

“У бирон нарсада эмас ва бирон нарса йўқки, Унда бўлмаса. У ичкарида ҳам эмас, ташқарида ҳам эмас. Уни шундай сифат билан таниш керак. Уни на илм на ақл билан, на фаҳм на ваҳм билан, на зоҳир ҳис билан, на ботин кўз билан ва на идрок билан англаб бўлур. Уни фақат Унинг ўзигина кўрар ва Уни фақат Унинг ўзигина идрок қиласар. У ўзини Ўзи орқали билар ва У ўзини Ўзи орқали англар. У ўзини Ўзи билангина кўрар, ўзга бирор кўролмас. У ўзини Ўзи орқали англар, ўзга бирор англолмас”⁴⁹⁶.

Мутасаввиф борлиқ ва йўқлик масаласини тасаввуфий-ирфоний нуқтаи назаридан таҳлил этган.

Мутасаввиф фикрича, “Унинг хижоби Унинг вахдониятидир. Унинг хижобидан ўзга бирон хижоб Уни тўсолмас. Унинг вужуди ҳам Унинг вахдониятидирки, бу вахдонияти билан У “кайфият” (“қандай”, “қанақа”)га сифасдан “сатр” (“яширин”) бўлади. Уни Унинг ўзидан ўзга на пайғамбари мурсал, валийи комил, на малаки муқарраб кўролмас. Унинг пайғамбари Унинг ўзидир, Унинг расули Унинг ўзидир, Унинг рисолати Унинг ўзидир, Унинг каломи Унинг ўзидир. У ўзини Ўзи орқали бирон воситасиз ва ҳар қандай сабабсиз Ўзига юборгандир. Юборувчи, юборилган ва юборилувчи орасида ҳеч қандай тафовут йўқдир. “Сано” ҳарфларининг вужуди Унинг вужудидан ўзга нарса эмасдир. Унингсаноси ҳам номи ҳам ва номлангани йўқдир”⁴⁹⁷.

Хужвирий таълимотида хижоб икки хилдир: биринчисирайний хижоб дейилади (Унинг пайдо бўлишидан Аллоҳнинг ўзидан паноҳ тилаймиз). Иккимчисирайний хижоб дейилади. Бу қанча тез вужудга келса, шунча яхши.

Биринчисининг баёни шуки, бунда банданинг зоти Ҳақнинг хижобига айланади, яъни унинг олдида ҳақ ва ботил бир хил бўлиб қолади. Иккимчисининг баёни шуки бунда

⁴⁹⁵ Сунанут Термизий. 5-жилд, 547-бет, 3596-ҳадис.

الرسالة الوجودية . محي الدين محمد بن علي بن محمد ابن عربى . بيروت : دار الكتب العلمية . 2004 . ص 35 - 36

الرسالة الوجودية . محي الدين محمد بن علي بن محمد ابن عربى . بيروت : دار الكتب العلمية . 2004 . ص 35 - 36

банданинг сифати Ҳақнинг ҳижобига айланади ва банда борлиги ва боши билан шўнғиб, Ҳақни излайди ва ботилдан қочади⁴⁹⁸.

Шунинг учун пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар: “Раббимни Раббим орқали англадим”, “Ким ўзини англаса, Раббисини англабди”.

Ибн Арабий ёзади: “Раббимни Раббим орқали англадим” деганларида пайғамбар с.а.в. “Сен – сен эмассан, балки сен – сенсиз бўлган Удирсан”, деган маънога ишора қилмоқдалар. У сенинг ичингда ҳам эмас, ташингда ҳам эмас. Сен ҳам Унинг на ичидасан ва на ташидасан. Шу билан бирга сенинг мавжудлигинг ҳам сифатинг ҳам Ундан “ғаний” бўлолмас (яъни қутулолмас). Албатта, сен бўлмагансан, бўлмайсан ҳам. Сен на фонийсан ва на мавжудсан. Сен Удирсан, У эса ҳеч бир иллатларсиз сендири. Агарда сен ўз вужудингни англаган бўлсанг, Аллоҳни ҳам англабсан. Агарда бундай бўлмаса, ҳеч нарсани англамабсан”⁴⁹⁹.

Ибн Арабий борлиқни тушунтиришда фақат ўзининг айтганлари тўғри эканлигини, ўзидан олдинги тасаввуфий тариқатларнинг ўзликни англашда тутган йўлларини, ҳамда тушунтирган усул ва воситаларни инкор қиласди. Мутасаввиф тариқатларда “фано”, “фанонинг фаноси” каби ибора ва истилоҳларни хатолигини таъкидлаб, уларни тўғри деб тушуниш исломда энг катта гуноҳга олиб келади деб ҳисоблайди:

وأكثُر الْعَرَافَ أضافوا معرفة الله – تعالى – إِلَى فناء الْوُجُودِ وفناء الْفَنَاءِ وذلِكَ غَلَطٌ وسهوٌ وَاضْحَى معرفة الله – تعالى – لَا تَحْتَاجُ إِلَى فناء الْوُجُودِ وَلَا إِلَى فناءِ فنَائِهِ، لِأَنَّ الشَّيْءَ لَا وُجُودَ لَهُ، وَمَا لَا وُجُودَ لَهُ لَا فناءَ لَهُ؛ فَإِنَّ الْفَنَاءَ بَعْدَ إِثْبَاتِ الْوُجُودِ، فَإِذَا عَرَفْتَ نَفْسَكَ بِلَا وُجُودٍ وَلَا فناءً فَقَدْ عَرَفْتَ اللَّهَ، – وَإِلَّا فَلَا

Мазмуни: “Кўпчилик орифлар Аллоҳ таъолони англашнинг икки йўли – вужуднинг фаноси ва фанонинг фаноси бор деб биладилар. Бу нотўғри ва аниқ хатодир. Албатта Аллоҳ таъолони англаш вужуднинг фаносига ҳам фанонинг фаносига ҳам муҳтожлиги йўқдир. Чунки нарса вужудга эга эмас. Вужудга эга бўлмагач, фанога ҳам эга бўлмайди. Албатта фано, вужуднинг событигидан сўнг бўлади. Агар сен ўзингни вужудсиз ва фаносиз англаган бўлсанггина Аллоҳ таъолони англабсан. Агар шундай бўлмаса, бариси бекордир”⁵⁰⁰.

Борлиқни англашда Ибн Арабий таълимотининг бош ғояси ўзликни англаш ҳисобланиб, мавжудликнинг ҳар қандай белгилари инсон билан яхлитликни касб этади. Ҳар қандай кўплик бирликни ифодалайди. Бирдан бошқа зот бор дейиш гуноҳ, яъни ширкдир:

وَفِي إِضَافَةِ معرفةِ الله – تعالى – إِلَى فناءِ الْوُجُودِ وَإِلَى فناءِ فنَائِهِ إِثْبَاثُ الشَّرَكِ، لِأَنَّكَ إِذَا أَضَفْتَ معرفةَ اللهِ إِلَى فناءِ الْوُجُودِ وفناءِ الْفَنَاءِ، كَانَ الْوُجُودُ لغَيْرِ اللهِ وَنَقِيْضُهِ – وَهُنَاكَ شَرَكٌ وَاضْحَى، لِأَنَّ النَّبِيَّ – صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ – قَالَ: «مَنْ عَرَفَ نَفْسَهُ فَقَدْ عَرَفَ رَبَّهُ»، وَلَمْ يَقُلْ: «مَنْ فَنِيَ عَنْ نَفْسِهِ عَرَفَ رَبَّهُ». فَإِنَّ إِثْبَاتَ الْغَيْرِ يَنْاقِضُ فنَاءَهُ، وَمَا لَا يَجُوزُ ثَبَوْثُهُ لَا يَجُوزُ فنَاؤُهُ

⁴⁹⁸ (Форс тилидан А. Болтаев таржимаси) *كشف المحجوب*. ابو الحسن هجويري. اسلام آباد. 1995. ص. 5.

⁴⁹⁹ محی الدین ابن عربی. الرسالۃ الوجودیۃ. بیروت: دار الكتب العلمیة. 2004. 36-ص.

⁵⁰⁰ محی الدین ابن عربی. الرسالۃ الوجودیۃ. بیروت: دار الكتب العلمیة. 2004. 36-ص.

Мазмуни: “Аллоҳ таъолони вужудга ёки Унинг фаносининг фаносига боғлаб англаш тўғридан тўғри ширкни сабит қиласди. Негаки, сен Аллоҳни англашни вужудга ва фанонинг фаносига боғлаганингда у Аллоҳдан ўзга ва Унинг акси учун бўлиб қолади. Бу эса аниқ ширкдир. Пайғамбар с.а.в. “Кимки ўзини англаса, Раббисини англайди” деганлар, “Кимки фанони англаса, Раббисини англайди”, демаганлар. Ғайринг, яъни ўзганинг сабит бўлиши фанони бекор қиласди. Қайси нарсагаки, сабитлик жоиз эмас, унга фано ҳам жоиз эмас”⁵⁰¹.

Ибн Арабий борлиқ ва йўқлик масаласини қуидагича таҳлил этган: “Вужуд йўқ нарсадир. Йўқ нарса эса бор нарса бўла олмайди. У на фонийдир ва на ғайри фонийдир, у на мавжуддир ва на маъдум (йўқ)дир. Сен азалий он, абадий он ва қадими онда бор бўлишдан аввал йўқ бўлган бир онсан. Аллоҳ эса азалнинг вужуди, абаднинг вужуди ва қадимнинг вужудидир. Ва албатта, У азалнинг вужудисиз ҳам абаднинг вужудисиз ҳам, қадимнинг вужудисиз ҳам бордир. Агар шундай бўлмаса, У “Ваҳдаҳу ла шарийка лаҳу” (“У биттадир, Унинг шериги йўқдир”) бўлолмас эди. Унинг “Ваҳдаҳу ла шарийка лаҳу” бўлиши вожибдир. Унинг “шериги” бўладиган бўлса, у Аллоҳнинг вужуди билан эмас ўз зотининг вужуди билан бор бўлиши керак эди. Ва унинг Унга муҳтожлиги қолмас эди ва у иккинчи Раб бўлар эди. Бундай бўлиши маҳолдир (яъни, сира имконсиздир)”⁵⁰².

Ибн Арабий фикрича, “Аллоҳнинг шериги йўқдир, тенги бўлмас ва Унга бас келиб бўлмас. Кимки, бирон нарсани Аллоҳ билан, Аллоҳдан ва Аллоҳда кўрса, ўша нарса Аллоҳнинг рубубиятига (Раблигига) муҳтождир. У ўша нарсани ҳам Аллоҳнинг рубубиятига муҳтожликка шерик қилгандир. Кимки, бирон нарсани Аллоҳ билан ўз-ўзидан бор деса, ёки У билан қоим деса, ёки ўз вужудидан ёки фаносидан фонийдир деса, у ўзини англашнинг ҳидидан баҳраманд бўлмаган. Кимки, Ундан ўзга мавжудлик бор деса, ўзича бор деса, ўз фаносида фоний бўлади деса ва фанони фанога боғласа, бу ширк устига ширкдир. У ўзини англамагандир, балки у мушриқдир. У на Аллоҳни ва на ўзини танигандир”⁵⁰³.

Ибн Арабий рисолада пайғамбар (с.а.в.) нинг “Парвардигорим, менга барча нарсаларни улар аслида қандай бўлсалар шундайин кўрсат”, - деган ҳадисини келтириб, ботиний маъносини шарҳлаб ўтади:

كما قال – صلى الله عليه وسلم – :«اللهم أرني الأشياء كما هي»: عَبَرَ بِالأشياءِ عَمَّا سُوِّيَ اللَّهُ – سُبْحَانَهُ وَتَعَالَى – ، أي عَرَفْنِي مَا سُوِّاكَ لَا عُلِمْ وَأَعْرَفُ الْأَشْيَاءَ أَيَّ شَيْءٍ هِيَ: أَهِي أَنْتَ أَمْ غَيْرُكَ، أَهِي قَدِيمٌ بِأَمْ حَادِثٍ فَإِنْ؟ فَأَرِهِ اللَّهُ – تَعَالَى – مَا سُوِّاهْ نَفْسَهْ بِلَا وِجْدَنْ مَا سُوِّاهْ، فَرَأَى الْأَشْيَاءَ «كَمَا هِيَ»؛ أَعْنِي الْأَشْيَاءَ ذَاتَ اللَّهِ – تَعَالَى – بِلَا كِيفٍ وَلَا أَيْنَ.

Мазмуни: Яъни, «Менга Ўзингдан ўзга нима бор англат, мен нарсаларнинг Сенми ёки Сендан бошқами, улар қадими боқийми ёки яратилмиш фонийми билай». Аллоҳ таъоло Мұхаммад (с.а.в)га Унинг ўзидан ўзга нарса, ва ўзга вужуд йўқлигини кўрсатди.

⁵⁰¹ محی الدین ابن عربی. الرسالۃ الوجودیة. بیروت: دار الكتب العلمیة. 2004. 36-ص.

⁵⁰² محی الدین ابن عربی. الرسالۃ الوجودیة. بیروت: دار الكتب العلمیة. 2004. 36-ص.

⁵⁰³ محی الدین ابن عربی. الرسالۃ الوجودیة. بیروت: دار الكتب العلمیة. 2004. 37-ص.

Пайғамбар (с.а.в) эса нарсаларни аслида қандай бўлса, шундай кўрдилар, яъни нарсалар бу Аллоҳ таълонинг ўзири. Буни “Қандай?”, “Қаерда?” билан тушунтириб бўлмас⁵⁰⁴.

Хўш, аслида бу назариянинг моҳияти нимадан иборат? Ислом ақидасига кўра Аллоҳ таъоло борлиқни йўқлик оламидан пайдо қилди ёки бошқача айтганда адамдан вужудга келтириди. Демак, биз билган, кўрган, ушлаган, ўйлаган ҳамма нарсалар вужудда мавжуддирлар, яъни жаннат-у дўзах, арвоҳ-у фаришта, жин-у шайтон, дунё олами, руҳлар олами, малакут ва лоҳут олами вужуд билан бордирлар. Адам, яъни йўқлик олами қандайлигини Ҳақдан ўзга зот билишга қодир эмас. Ибн Арабий мана шу иккилиқ, адам ва вужуд бир-биридан айро эмас деб тушунтиради. Агар буларни алоҳида дейилса, “ваҳдат”, яъни Аллоҳнинг зоти бирликдан иборатлигига зид бўлади. Диний истилоҳ билан айтилса, “ширк” бўлади. Ширк эса Куръонда энг улуғ гуноҳлар сирасига киради ва шариатдаги “тавхид”га қарши бўлиб қолади. Исломга киришнинг биринчи шарти бўлган “La ilaha illallah” (“Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир”) иймон калимасини рад қилган бўлади. Аллоҳдан ўзга зот йўқ экан Ибн Арабий таълимотига кўра “Ҳар қандай қасрат ваҳдатдан иборат”, яъни ҳар қандай кўплик асосида бир ётади.

Ибн Арабий ҳадисларнинг ботиний маънолари ўзи айтиётган таълимотнинг тўғрилигига ишора қилаётганини айтади:

وإلى هذا أشار النبي – صلى الله عليه وسلم – بقوله: «لا تسبوا الدهر، فإن الله هو الدهر»، ونَّهَ الله – تبارك وتعالى – عن الشرك والنَّدِ والكُفُرِ

Мазмуни: “Шунинг учун ҳам пайғамбар с.а.в. бунга ишора қилиб: «Даҳрни сўқманглар, чунки даҳр бу Аллоҳ таълонинг ўзири», деб Аллоҳ таборака ва таълони ҳар қандай шерикдан, тенгдан ва кучдан поклаганлар”⁵⁰⁵.

Ибн Арабий фанони қуйидагича таҳлил этади: “Ким ўзини Аллоҳдан бошқа деб гумон қилса, билсинки, у Аллоҳдан ўзга эмасдир. Бироқ, сен буни англай олмайсан. Сен Уни кўриб турганлигингни билмайсан. Қачонки, сенга бу сир кааш бўлсагина сен Аллоҳдан ташқарида эмаслигингни биласан. Ва биласанки, сен ўзингни мақсад қилган экансан. Сен фанога ҳам муҳтоҷ эмас экансан. Сен аҳёну онларсиз ҳам бўлгансан ва бўлаверар экансан. Аввал айтиб ўтганимиздек, Унинг барча сифатлари сенинг сифатларинг эканини, шак-шубҳасиз, Унинг зоҳири сенинг зоҳиринг, Унинг ботини сенинг ботининг, Унинг аввали сенинг аввалинг, Унинг охири сенинг охиринг эканлигини кўрасан. Ва яна кўрасанки, кўпу камсиз сен Унга айланмасдан, У ҳам сенга айланмасдан туриб, Унинг сифатлари ҳам Унинг зоти ҳам сенсан”⁵⁰⁶.

Ибн Арабий “Қулту”, яъни “Мен дедимки”, деб шу хуносаларига мос бўлган ўз шеъридан иқтибос келтиради:⁵⁰⁷

قلت:

⁵⁰⁴ الرسالة الوجودية. محي الدين محمد بن علي بن بن محمد ابن عربي. بيروت: دار الكتب العلمية. 2004. ص-37

الرسالة الوجودية. محي الدين محمد بن علي بن بن محمد ابن عربي. بيروت: دار الكتب العلمية. 2004. ص-38

⁵⁰⁵ محي الدين ابن عربي. الرسالة الوجودية. بيروت: دار الكتب العلمية. 2004. ص-37

⁵⁰⁶ محي الدين ابن عربي. الرسالة الوجودية. بيروت: دار الكتب العلمية. 2004. ص-42

و ما أَنْ تَكُونُ و لَا قَدْ كَنْتَ	ظَنَنْتُ ظَنُونَا بِأَنَّكَ أَنْتَ
وَثَانِي اثْنَيْنِ دَعَ مَا ظَنَنْتَ	فَإِنْ أَنْتَ أَنْتَ فَإِنَّكَ رَبٌ
فَمَا بَانَ عَنْكَ و لَا عَنْهُ بَنْتَ	فَلَا فَرْقٌ بَيْنَ وَجْهِيْكَمَا
حَسْنَتْ وَإِنْ زَالَ جَهَلُكَ كَنْتَ	فَإِنْ قَلْتَ جَهَلًا بِأَنَّكَ غَيْرُهُ
وَبَعْدُكَ قَرْبٌ بِهَذَا حَسْنَتْ	فَوَصْلَكَ هَجْرٌ وَهَجْرٌ وَصْلٌ
لِيْلَى تَفْوِيقًا مَا عَنْهُ وَصْفَتْ	دَعَ الْعُقْلَ وَافْهَمَ بُنُورَ انْكَشَافٍ
لَئَلا تَهُونَ فَالشَّرُكُ هَنْتَ	وَلَا تَشْرُكْ مَعَ اللَّهِ شَيْئًا

Мазмуни:

Ўзингча ўйлайсан, ўзингни Сен деб,
Ўзингни Сен дея ўйлашинг хато.
Сен – Сен эмас, Сен бу Парвардигордир,
“Иккилиқ” ҳақида ўйлама, ҳатто.

Иккингизнинг вуждингизда фарқ йўқ,
Сен Ундан, У сендан эмассиз ўзга.
Агар жоҳил эрсанг дейсан: “Бошқаман”,
Нодонлигинг кетмас, юрсанг шу сўзга.

Висолинг ҳижрондир, ҳижронинг висол,
Узоқлигинг яқин аслида билсанг.
Ақлни қўй, кашфнинг нурила тушун,
Тунни васфи билан мунаввар қиласанг.

Аллоҳга ширк қиласа бирон нарсани,
Ширк кўп оғир гуноҳ, билсайдинг ани⁵⁰⁸.

Ибн Арабий “Ўлмасларингиздан бурун ўлинглар”, “Мен нафллар орқали Менга яқинлашаётган бандани севаман. Севдимми унинг қулогига, қўзига ва қўлига айланаман...”, “Албатта, мўъмин мўъминнинг ойнасиидир”⁵⁰⁹ каби ҳадисларни ҳам келтириб, уларда Аллоҳдан ўзга борлиқ ёки вужуд йўқлигига ишора эканлигини баён қиласди.

Куръони Каримда «Ундан бошқа барча нарсалар ҳалок бўлар» (Қасос: 88.), яъни Ундан ўзга мавжуд йўқ. Ундан бошқа вужуд йўқ. Бошқа бўлса, у ҳалокатга маҳкумдир. Фақат «Ўзигина боқийдир» (Раҳмон: 27.), яъни Ундан ўзга бирон нарса йўқдир.

Ибн Арабий “Яна сендан сўрасаларки, “Аллоҳ таъоло ўз қаломида “Уни қўзлар идрок қилолмас, У қўзларни идрок қиласар. У латиф ва хабардор зотдир” (Анъом: 103.), деган. Сен бу оятга хилоф айтяпсан, айтганларингда ҳақиқат қани?”. Жавоб шуки,

⁵⁰⁸ Таржималар муаллифи – Абдураҳим Болтаев.

محى الدين ابن عربي. الرسالة الوجودية. بيروت: دار الكتب العلمية. 2004. 39-ص.

“Бизнинг ҳозиргача айтганларимиз “Уни кўзлар идрок қилолмас, У кўзларни идрок қилас”нинг маъноси эди, яъни вужудда бирон кимса йўқ ва бирон кимсанинг Уни идрок қиласиган кўзи ҳам йўқ. Агар Ундан ўзганинг бўлиши жоиз бўлганда эди, Ундан ўзганинг Уни идрок этиши ҳам жоиз бўлар эди. Аллоҳ субҳанаҳу таъоло ўзининг “Уни кўзлар идрок қилолмас” деган ояти билан Ўзидан ўзга йўқлигини эслатма қилган. Бу Уни Ундан ўзга идрок қилмас деганидир. Аксинча, Уни У идрок қилас, фақатгина У. Унинг зотини Унинг ўзи идрок қилувчидир, ўзга эмас. Унинг вужудидан ўзга кўз йўқ. Кимки, “Улар (яъни, кўзлар) Уни идрок қилолмас, чунки, улар муҳдас (пайдо қилинмиш)дир, муҳдас қадимни идрок қилолмас”, деса, у ўзлигини англамагандир. Ундан ўзга на нарса бор ва на кўзлар. У ўз вужудини ҳеч қандай идроксиз ва ҳеч қандай зотсиз идрок қиласди”⁵¹⁰.

Хужвирий “Кимки дилини фонийга боғласа, фоний фано бўлгач меҳнат-у ранжи зойеъ бўлади. Кимки жонини ҳазрати боқийга топширса, нафс фано бўлгани билан бақода қойим туради. Бас, кимки, Муҳаммадга с.а.в. одамият кўзи билан қараган бўлса, у дунёдан ўтди ва унга қилган ибодати ҳам дунёдан ўтди. Кимки, унга ҳақиқат кўзи билан боқсан бўлса, унинг дунёдан ўтган ўтмаганлиги унга бир хилдир. Чунки у бақо ҳолида ўз бақосини Ҳақда кўрди, фано ҳолида эса фаносининг Ҳақданлигини кўрди. Бир ҳолатдан кетган бўлса, бир ҳолатни қабул қилди. Бир ҳолатнинг иккинчи ҳолатда туришини кўрди. Унинг ҳаққи икроми миқдорича улуғлади. Дил савдосини бировга нисбат қилмади ва кўз савдосини халққа қаратмади. Бу ҳақда шундай деганлар: «Халққа боқсан ҳоликдир, Ҳаққа қайтган моликдир», яъни яратилмишга қарам бўлиш ҳалокатдир, Яратувчига мурожаат қилиш ўшанга эга бўлишдир”⁵¹¹.

Ибн Арабий ваҳдоният масаласини нафақат ҳадис илми балки, Қуръон оятлари орқали таҳлил қиласди. Соффот сурасининг لا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ («Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ») оятини لا إِلَهَ إِلَّا إِيَاهُ («Ундан бошқа илоҳ йўқ»), لا وْجُودٌ لِغَيْرِهِ («Ундан ўзгада вужуд йўқ») ва لا إِلَهَ إِلَّا هُوَ («Унинг ўзидан бошқа илоҳ йўқ») маъноларини англатишини келтиради⁵¹².

Ибн Арабий: “Сендан яна сўрасаки, “Агар мен “Мен Аллоҳман”, десам, буни Аллоҳ айтган бўладими?” Жавоб: “Йўқ. Негаки, сен ҳали Унга етмагансан. Унга етганингдагина У айтганни тушунасан, У айтганни айтасан, У кўрганни кўрасан”⁵¹³.

Инсон мавжуд экан у ҳамиша ўзлигини англашга интилади. Ва доим “Мен кимман?”, “Қаердан келдим-у қаерга кетаман?”, “Ҳаётда менинг ўрним нимадан иборат?” каби олам ва одамга тааллуқли масалаларни ўйлайди ёки мавжудлик ва унинг моҳияти тўғрисида бош қотиради, бу саволларнинг ечимини излайди. Ҳар бир инсон бу борада ўзига хос йўлдан боради. Ибн Арабий айтганидек: “إِنَّ الْطَّرِقَ إِلَى اللَّهِ عَلَى عَدْدِ أَنفَاسِ الْخَلَائِقِ” “Ер юзида нечта одам бўлса, Ҳаққа элтувчи йўллар ўшанча”⁵¹⁴ бўлади.

⁵¹⁰ محي الدين ابن عربي. الرسالة الوجودية. بيروت: دار الكتب العلمية. 2004. 44-ص.

⁵¹¹ (Форс тилидан А. Болтаев таржимаси). كشف المحجوب. ابو الحسن هجویری. اسلام آباد. 1995. ص 41-42.

⁵¹² محي الدين ابن عربي. الرسالة الوجودية. بيروت: دار الكتب العلمية. 2004. 39-ص.

⁵¹³ محي الدين ابن عربي. الرسالة الوجودية. بيروت: دار الكتب العلمية. 2004. 44-ص.

⁵¹⁴ محي الدين ابن عربي. الفتوحات المكية . بيروت: دار الكتب العلمية. 1999. ج 3. ص 411.

Инсонлар орасида бу борада алоҳида жуда илғор фикрловчилари, ўз устида изланувчилари, янгила ёндашувларни вужудга келтира оладиган қобилиятлилари бўладики, уларнинг бу масалалар борасида ўртага ташлаган фикр, қараш ва назариялари асрлар ўтса ҳамки инсониятнинг маънавий бойлигигина бўлиб қолмасдан балки инсоният маънавий эҳтиёжини қондирувчи сарчашмалардан бирига айланади. Ибн Арабий ана шу ўткир муаммони, қарама-қаршиликни юмшатишга, келиштиришга харакат қилган буюк мутафаккир ҳисобланади.

Мутасавиф ҳадиси қудсийга мурожаат қилиб Аллоҳдан ўзга борлиқ йўқлигига далил эканлигини таъкидлайди:

وَرُوِيَّ عَنِ النَّبِيِّ – صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ – أَنَّهُ قَالَ: «إِنَّ اللَّهَ – تَعَالَى – قَالَ: يَا ابْنَ آدَمَ، مَرْضَتْ وَلَمْ تَعْذُنِي، وَسَأَلْتَنَّكَ وَلَمْ تُعْطِنِي»: أَشَارَ إِلَى أَنَّ وَجُودَ السَّائِلِ وَجُودَهُ، وَوَجُودَ الْمَرْيِضِ وَجُودَهُ. فَمَتَى جَازَ أَنْ يَكُونَ وَجُودُ السَّائِلِ وَجُودَهُ وَجُودُهُ وَجُودُهُ
جَمِيعُ الْأَشْيَاءِ مِنَ الْمَكَوْنَاتِ مِنَ الْأَعْرَاضِ وَالْجَوَاهِرِ وَجُودُهُ

Мазмуни: “Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинади: «Аллоҳ таъоло бандасига айтар экан: «Эй, Одам боласи мен бемор бўлдим, мени кўришга келмадинг, нарса тиладим, менга бермадинг». Бунда сўровчининг ҳам bemornинг ҳам вужуди унинг вужуди эканлигига ишорадир. Сўровчининг вужудини Унинг вужуди дейиш жоиз экан, демакки, борлиқдаги барча нарсаларнинг ораз-у жавҳарларнинг ҳам вужудини Унинг вужудидир демоқлик жоиздир”⁵¹⁵.

Ибн Арабий ашъарийларни файласуфлар ва мұтазилийлардан фарқли ўлароқ сўфийларнинг “руйатуллоҳ” (“Аллоҳни кўриш”) борасидаги ақидаларига қўшилдилар дейди. У ёзади: “Худо ўзининг яратганларини ўзини танишига тарғиб қиласди. Ва бу зарурдир. Мұтазилийлар Худони кўриш мумкинлигин рад этадилар, ашъарийлар эса ақл орқали буни мумкин деб ҳисоблайдилар ҳамда шариат ва ўзларининг қарашлари билан мустаҳкамлайдилар⁵¹⁶”. Шунингдек, Ибн Арабий сўфийларнинг ашъарийлар билан моҳиятан бир-бирига жуда яқин қарашлари сирасига “Таждидул аъроз” (“акциденциянинг ўзгариб туриши”) ни ҳам киритади⁵¹⁷. У ашъарийларнинг бу борадаги фикрлари билан ўзининг сўфийлик тизимидағи фикрларини солиштириб, улар ўртасидаги яқинликни кўрсатиб беради: “Ашъарийлар бутун борлиқни ягона субстанция (Жавҳар) дейдилар. Биз моҳият ягона деймиз. Улар яна дейдилар: “У араз (акциденция) да фарқланади”. Биз деймизки: “У шакл ва ҳажмда кўпаяди”. Дейдилар: “Нимаики йўқ бўлса, ўзгага бор, ёки ўзгага акциденция (араз) да бор, ёки ўзгага хоссада бор”. Қандай хоҳлассанг айтавер⁵¹⁸”.

Ибн Арабий ўртага ташлаган Ҳақ ва борлиқни англаш усули кейинчалик “Ваҳдатул вужуд” номи билан машҳур бўлди. Бу таълимот файласуфлар ва сўфийлар орасида шу қадар катта шов-шувга сабаб бўлди, ҳатто бутунги кунларимизда ҳам тинмади. Шу

⁵¹⁵ الرسالة الوجودية. محي الدين محمد بن علي بن محمد ابن عربي. بيروت: دار الكتب العلمية. 2004. ص-38.

⁵¹⁶ Ўша жой Ж. ; С. 45.

⁵¹⁷ Ибн Арабий Фусусул Ҳикам. Байрут: Дорул китабил арабий, 1946. 268-бет.

⁵¹⁸ Ўша жой. С. 354.

қадар катта эътиборга учраши айни пайтда уни турлича талқин қилишларга ҳам сабаб бўлди. Ҳар қайси тариқат ёки фалсафий мактаблар ўз доирасида уни ўрганди ва ўз даражасида тушуниб талқин қилди. Бу эса янада кўп тортишувлар ва овозаларга сабаб бўлди ва давом этиб келмоқда. Энг ажабланарлиси, унинг “ваҳдатул вужуд”, яъни “ягона вужуд” тўғрисидаги бу назариясини дахрийлар дахриёна ва моддиюнчилар моддиюнчилик назарияси дейишиди. Айримлар эса Ҳақ бу Ибн Арабий назарда тутган вужуддир деб, яъни ўзлари кўриб турган моддий борлиқ деб ҳам тушундилар.

Шунинг учун мутасаввиф вужуд масаласини тушунтиришда:

فقد شرحنا كثيراً مثل هذا الكلام من قبل وإن شرحنا أكثر من ذلك فمن لا يرى لا يفهم ولا يدرك، ومن يَرَ ويُفهِّم ويُدرِك. فالواصل تكفيه الإشارة

Мазмуни: “Бундан олдин ҳам буни кўп шарҳ қилдик. Яна қанча шарҳламайлик кўрмайдиган киши барибир кўрмайди, тушунмайди ва идрок этмайди. Ким қўрса, у тушунади ва идрок ҳам этади. Висолга етганга ишора кифоядир”⁵¹⁹, деган хulosани келтиради.

Ибн Арабий вужуд ва ҳижоб масаласини қуидагича таҳлил этади: “Бундан олдин Унинг ҳижоби Унинг ваҳдонияти ва фардонияти эканлигини айтиб ўтгандик. Шунинг учун ҳам ҳақиқатга етаётганда етувчининг «Анал Ҳақ» («Мен Худоман») дейиши, айрими эса «Субҳоний» («Субҳонийман») дейиши жойиздир. Ҳақ васлига етаётган восил Аллоҳнинг сифатлари ўзининг сифатлари эканини, Аллоҳнинг зоти ўзининг зоти эканлигини, ўзининг сифотио зоти Аллоҳнидан мутлақо на ичкари ва на ташқари эканлигини кўради. У ўзини Аллоҳдан на фоний ва Аллоҳда на боқийлигини англайди. Ва яна у ўз вужудини топмаганлигини, чунки вужуди фоний бўлмаганини кўради ва унинг ўзи Унинг ўзи эканлигини, унинг вужуди бўлганини билади”⁵²⁰.

“Агар сендан бирон киши: “Унинг висолига етишнинг йўли қандай? Сен Ундан бошқа нарса йўқ деб исбот қилдинг ва ўзи битта бўлган нарса қандай қилиб ўзига етишади?”, деб сўраса, жавоб айтгинки: “Шаксиз, Унда на васл бор ва на фасл (яъни, айрилиқ), на буъд (яъни, узоқлик) бор ва на қурб (яъни, яқинлик). Висол фақатгина икки нарса орасидагина бўлиши мумкин. Фақатгина Бир бўлгач, бу жойда на висол бор ва на айрилиқ”. Албатта, висол иккита бир-бирига tengлар ва ўхшашлар орасида бўлади. Улар иккови бир-бирларига teng бўлмасалар, зид бўладилар. Аллоҳ таъоло эса зиддан ҳам tengдан ҳам покдир. Васл васли йўққа, қурб қурби йўққа, буъд буъди йўққадир. Аслида эса васлсиз васл, қурбсиз қурб ва буъдсиз буъд бордир.

Агар сўрасаларки: “Биз васлсиз васлни тушундик, бироқ қурбсиз қурб қандай ва буъдсиз буъд қандай бўлади?”. Жавоб берки: “Албатта, сен қурб ва буъднинг онларидасан. Ундан ташқари бирон нарса эмассан. Сен токим, ўзингнинг У эканлигини билмагунингча ориф бўлмайсан. Аллоҳ таъолога етишганингда, яъни “ирфон” (“англаш”)нинг ҳар қандай ҳарфлари вужудисиз ўзингни англаганингдагина ўзингнинг

⁵¹⁹ الرسالة الوجوية. محي الدين محمد بن علي بن بن محمد ابن عربى. بيروت: دار الكتب العلمية. 2004. ص-45

الرسالة الوجوية. محي الدين محمد بن علي بن بن محمد ابن عربى. بيروت: دار الكتب العلمية. 2004. ص-38

У эканлигингни биласан. Ва сен буни Умисан ёки бошқамисан олдин билмаганингни биласан. Ирфон, яъни англаш ҳосил бўлганда сен Аллоҳни ўзинг билан эмас, балки Аллоҳ билан англағанингни биласан”⁵²¹.

Ибн Арабий буни қуидагича тушунтиради: “Сен исминг Маҳмудми ёки исмланишинг Маҳмудми билмайсан. Ҳақиқатда эса исм ва мусаммо (яъни, исм ва исмланиш) бир нарсадир. Шунда сен исмингни Муҳаммад деб ўйлаб юрган эдинг, анчадан кейин Маҳмудлигингни билиб қолдинг. Вужудинг эса барибир боқий қолдику. Сен ўзингнинг Маҳмудлигингни англағанингда Муҳаммад исми ҳам Маҳмуд исмланиши ҳам орадан кўтарилди. (Муҳаммад исми фақат ўзингдан фанода бўлсанг бўлади. Фано эса Ундан ўзга вужуд событ бўлгандагина бўлади. Кимки, Ундан ўзга вужудни событ деса, у Аллоҳ таборака ва таъолога ширк келтирган бўлади). Бунда Маҳмуддан бирон нарса ноқис бўлмади ва Муҳаммад ҳам Маҳмудда фоний бўлмади. Унга кирмади ҳам ундан чиқмади ҳам. Маҳмуд ҳам Муҳаммадга айланмади. Маҳмуд ўзини Муҳаммад эмас Маҳмудлигини англағанида у ўзини Муҳаммад билан эмас, балки ўзини ўзи билан англади. Чунки, Муҳаммад бўлмаган. Бўлмаган нарса билан бўлган нарса қандай англансин? Шундан келиб чиқиб, ориф ва маъруф (яъни, англовчи ва англанувчи) бир нарсадир, восил ва мавсул (яъни, етувчи ва етилувчи) бир нарсадир, роий ва маръий (яъни, кўрувчи ва кўрилувчи) ҳам бир нарсадир. Ориф Унинг сифати бўлса, Маъруф Унинг зотидир. Восил Унинг сифати бўлса, Мавсул Унинг зотидир, Роий Унинг сифати бўлса, Маръий Унинг зотидир. Шунингдек, сифат ва мавсуф (сифат ва сифатланмиш) ҳам бир нарсадир”⁵²².

Фалсафанинг муҳим масалаларидан бўлган борлиқни тасаввуфий нуқтаи назардан таҳлил этган Ибн Арабий беш юзга яқин асарлари орқали назарий жихатдан асослади. Шу пайтгача ўтган салкам саккиз юз йиллик масофада унинг бу қарашлари қўллаб-куватланиш билан бирга кескин танқидларга учради. уни “Шайхи акбар” эмас “Шайхи акфар” (Энг кофир шайх”) каби номлар билан ҳам атадилар. Тасаввуф тарихида Ибн Арабийчалик мунозарага сабаб бўлган бошқа сўфийни учратиш қийин.

Нақшбандия тариқати номоёндалари Хожа Муҳаммад Порсо Бухорий, Хожа Ахрор Валий, Мавлоно Абдураҳмон Жомий ва Махдуми Аъзам томонидан Ибн ал-Арабийнинг “Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси”даги ирфоний ғояларнинг Нақшбандияда тасаввуфий таълимот даражасига кўтаришга ҳаракат қиласади.

Ибн Арабий таълимотининг нақшбандия таълимоти билан қиёсий таҳлил қилиниши ушбу тамойилнинг қанчалик долзарб аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Ибн Арабийнинг “ваҳдатул вужуд” назарияси шу қадар катта қизиқишлирга сабаб бўлар эдики, у тўғрисидаги мунозаралару тортишувлар араб диёрларидағи ғоя ташувчилар ўртасида қандай бўлган бўлса, Марказий Осиёдаги уламо ва мутасаввиғ-

⁵²¹ محي الدين ابن عربي. الرسالة الوجودية. بيروت: دار الكتب العلمية. 2004. 40-41-ص.

⁵²² محي الدين ابن عربي. الرسالة الوجودية. بيروت: دار الكتب العلمية. 2004. 41-ص.

сўфийлар орасида ҳам шундай бўлди. Кейинроқ нақшбандия пирларининг Ҳиндистондаги фаолияти давомида ҳам асосий масалалардан бири бўлиб қолаверди.

Нақшбандиянинг Ҳинд ўлкасидағи буюк вакили, “Имоми Раббоний”, (“Парвардигор томонидан юборилган имом”) “Мужадидди алфи соний” (“Иккинчи минг йилликнинг янгиловчиси”) каби улуғ номларга лойиқ топилган Аҳмад ал-Форук Сирҳиндий (1564-1624) ҳам Ибн Арабий даҳоси билан тўқнашишига тўғри келди. Айнан шу инсоннинг хизматлари туфайли Ибн Арабийга тош отишлар ҳам камайди.

Имом Раббонийнинг “Мактуботи Имом Раббоний” асари ҳажм жиҳатидан жудда катта асар бўлиб, учта дафтарни ташкил қиласиди ҳамда ўзида 536 та мактубни бирлаштирган. Мутасаввиф мактуботида Ибн Арабийнинг “ваҳдатул вужуд” назарияси билан боғлиқ турли диний-ақидавий масалаларга 54 жойда жавоб қайтарган. Бу мактуботдан Ибн Арабий тўғрисидаги хulosалар машхур ибораларга айланиб кетган. Яъни, мутасаввифнинг “марса با نص کار است نه به فص” “Бизга “фасс” керакмас “насс” керакдир” (яъни, “Бизга Ибн Арабийнинг Фусус (бирлиги “фас”) керакмас, балки “насс” яъни Қуръон керакдир”)⁵²³ ибораси ёки “Ибн Арабийнинг замонида мен бўлсан эди уни “ваҳдати вужуд” даражасидан ўтказиб қўйган бўлар эдим” каби фикрлари билан Ибн Арабий ижоди ва шахсиятига катта баҳо беради.

Имом Раббонийнинг энг катта хизматларидан бири шу бўлди, мутасаввиф “ваҳдати вужуд” назариясини Мансур Ҳалложда бошланган ҳолга ўхшатиб, ундан ўтиб кетилгандагина борлиқнинг ҳақиқати “ваҳдати шухуд” эканлиги билинади деб асослади, яъни Ибн Арабий ўртага ташлаган “Барча нарса Удир” ғоясини “Барча нарса Ундандир”га ўзgartириб тушунтиради. Бу эса айни пайтда “ваҳдати вужуд” тарафдорларини бир оз ўйлантирган бўлсада, нақшбандийларнин бу таълимот билан бўладиган турли тортишувларига чек қўйди.

Хозирги кунда Муҳийиддин ибн Арабий асос солган “акбария” тариқатининг мавжудлиги ва ўз издошларига эга эканлиги унинг ўртага ташлаган назарияларининг амалий асосларга эга эканлигини ҳам кўрсатиб турибди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. الرسالة الوجودية. محي الدين محمد بن علي بن بن محمد ابن عربي. بيروت: دار الكتب العلمية. 2004. 1.43
2. الرسالة الوجودية. محي الدين محمد بن علي بن بن محمد ابن عربي. بيروت: دار الكتب العلمية. 2004. ص-44
3. Саҳиҳи Муслим. 8-жилд, 63-бет. 2676-ҳадис.
4. Сунанут Термизий. 5-жилд, 3596-ҳадис.
5. الرسالة الوجودية. محي الدين محمد بن علي بن بن محمد ابن عربي. بيروت: دار الكتب العلمية. 2004. ص-35
6. كشف المحبوب. ابو الحسن هجویری. اسلام آباد. A. Болтаев таржимаси (Форс тилидан)
7. محي الدين ابن عربي. الرسالة الوجودية. بيروت: دار الكتب العلمية. 2004. 36-ص.

⁵²³ 523 Afghanistan centre at Kabul University 3 ACKU 00044437 احمد سرهندي. مكتوبات. دفتر اول. مكتوب 100. ص-121-122

-
- محى الدين ابن عربي. الرسالة الوجودية. بيروت: دار الكتب العلمية. 2004. 36-ص. 8.
- محى الدين ابن عربي. الرسالة الوجودية. بيروت: دار الكتب العلمية. 2004. 36-ص. 9.
- محى الدين ابن عربي. الرسالة الوجودية. بيروت: دار الكتب العلمية. 2004. 36-ص. 10.
- محى الدين ابن عربي. الرسالة الوجودية. بيروت: دار الكتب العلمية. 2004. 37-ص. 11.